

эди».

Шарҳ: Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари шу ривоятга амал қиладилар. Ундан суннат намозни уйда ўқиш афзал эканлиги келиб чиқади.

«У соатда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кирилмас эди».

Чунки у зот бу пайтда ибодат ила машғул бўлур эдилар.

نَبِيَّ تَدَجَّسَ رُظْلًا لَبَقَ مَلَسَ وَهَلَعُ هَلَلًا لَصَّيَّ بَّنَّ لَعَمُ تَيْ لَصَّ لَاقُ نَعَوُ
عُمُ جَلَّ دَعَبَ وَنَبِيَّ تَدَجَّسَ أَشْعَلُ دَعَبَ وَنَبِيَّ تَدَجَّسَ أَدَعَبَ وَ
هَلَعُ هَلَلًا لَصَّيَّ بَّنَّ لَعَمُ تَيْ لَصَّ لَاقُ نَعَوُ أَمَّافَ نَبِيَّ تَدَجَّسَ
وَتَيْ بَ يَ فَ مَلَسَ وَ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Пешиндан олдин икки сажда, ундан кейин икки сажда, Шомдан кейин икки сажда, Хуфтондан кейин икки сажда, Жумъадан кейин икки сажда ўқидим. Шом, Хуфтон ва Жумъанинг (суннатини) Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга уйларида ўқидим».

Шарҳ: Ушбу ривоятда «ракъат» сўзи ўрнига «сажда» сўзи қўлланилмоқда.

Демак, ўша вақтда ушбу истилоҳ ҳам ишлатилган. Жумадан кейин икки рақъат суннат ўқишни Шофеъийлар мана шу ривоятдан олганлар. Бу ривоят ҳам олдингисини таъкидлаб келмоқда. Фақат бунда Бомдод зикр қилинмаган. Афтидан, ўша куни Ибн Умар ёки Бомдодни бошқа жойда ўқиганлар ёки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўқиш имконлари бўлмаган. Ёки аввалги ривоятда зикр қилинганидек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кира олмайдиган вақт бўлганлиги учун кирмаганлар.

أَعْبَرَأُ عَدِيَّ أَلَنَ أَكَّ مَلَسَ وَهَلَعُ هَلَلًا لَصَّيَّ بَّنَّ لَعَمُ تَيْ لَصَّ لَاقُ نَعَوُ
عُمُ جَلَّ دَعَبَ وَنَبِيَّ تَدَجَّسَ أَشْعَلُ دَعَبَ وَنَبِيَّ تَدَجَّسَ أَدَعَبَ وَنَبِيَّ تَدَجَّسَ رُظْلًا لَبَقَ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Пешиндан олдинги тўрт рақъатни ва Бомдоддаги икки рақъатни ҳеч қўймас эдилар».

Ушбу уч ҳадисни бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу учта ҳадисда зикр қилинган намозлар таъкидланган суннат намозлардир. Фақат Пешиндан олдинги суннатнинг сони икки хил. Иккисини ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиганлар. Тўрт рақъатлисини Ҳанафийлар, икки рақъатлисини бошқа мазҳаблар олганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таъкидланган суннат намозларига Ҳанафий мазҳаби алоҳида эътибор бериб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларидан ҳужжатлар келтирганлар.

У зот баъзи вақтларда суннат намознинг қазосини ўқиганлари ҳақида ривоятлар ҳам бор.

Шунингдек, «Сафарда юриб кетатётиб, суннатни ўқиш имкони бўлмаса, ўқимаса, майли. Аммо тўхтаб турганда ўқилади», деганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.